O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

«ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ ЖАМИЯТИМИЗДА ЎЗАРО ҚАДР-ҚИММАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ ТУЙҒУСИНИ, ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БЎЛМИШ ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА, ҲАЁТИМИЗНИ ЯНАДА ОБОД ВА ФАРОВОН ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 7-aprel • Shanba • 43 (27.688) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бугун — Жаҳон саломатлик куни

Мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини кучли ҳимоялаш, ногиронлар ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш, боқувчисини йўқотган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эзгулик ва меҳр-оқибат муҳитини қарор топтиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Шу мақсадда, янги тиббиёт муассасалари барпо этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари, махсус мактаб-интернатлар моддий-техника базасини мустаҳкамлашдек хайрли ишлар кўлами кун сайин ортаётир.

«Ҳувайдо»да фойдаланишга топширилган янги оилавий шифо маскани ҳам ана шундай эзгу ишларнинг ёрқин намунасидир. Бу савобли ишларга «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ўз ҳомийлик ёрдамлари билан бошқош бўлди.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ҳар томонлама қулай ҳамда шинам бу оилавий шифо маскани эндиликда яқин атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган 30 мингдан зиёд аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатади. Айни дамларда, бу ерда физиотерапия, эмлаш, муолажа, акушер-гинеколог, стоматология, ультратовуш ёрдамида ташхис қўйиш, тренажёр, кундузги стационар ва бошқа кўплаб тиббиёт хоналари ишлаб турибди.

Яқинда мазкур шифо масканига зарур тиббий анжомлар билан таъминланган янги «Дамас» русумли тез тиббий ёрдам машинаси топширилди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: кардиология бўлими ҳамшираси Нодира Мирзаева; оилавий поликлиника фаолиятидан лавҳалар.



«ҲУВАЙДО»НИНГ ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Пойтахтимизнинг «Ҳувайдо» маҳалласи ҳудудида жойлашган 39-оилавий шифохона мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди



Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

САЙЁҲЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 6 апрель куни Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси, Японияннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамкорлигида Япония сайёҳлик бозоридаги талаб ҳамда Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятларига бағишланган семинар ўтказилди.

Мазкур анжуманни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад хориждан сайёҳларни жалб қилиш усуллари борасида японлик мутахассислар билан тажриба алмашиш, ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини ўрганишдан иборат.

Тегишли вазирлик, идора, ташкилот, компания ва сайёҳлик фирмалари вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида улкан имкониятларга эга экани алоҳида таъкидланди. Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган қадимий ва навқирон шаҳарларимиз, юртимизнинг гўзал табиати инъом этган истироҳат масканлари ҳар қандай сайёҳ эътиборини ўзига жалб этади. Шу боис Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ушбу соҳа инфратузилмасини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини хорижда кенг тарғиб этиш, сайёҳликнинг экотуризм, маърифий ва жисмоний саёҳатлар каби турларини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ижрочи директори Жамила Мирзаахмедованинг таъкидлашича, 2006 йили Ўзбекистонга Японияндан ўн саккиз мингдан зиёд сайёҳ келган.

Анжуманда Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни, жумладан, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон билан Япония ўртасида изчил ривожланиб бораётган ҳамкорлик японлик сайёҳларда юртингизга қизиқишни тобора оширмоқда, — деди Ю.Кусумото. — Япония Ўзбекистон билан сайёҳлик соҳасидаги алоқаларини бошқа жабҳаларда-ги ҳамкорлик каби янада ривожлантириш тарафдори.

Тадбирда Япония сайёҳлик агентликлари уюшмасининг йирик аъзоларидан бири — «Proco Air Service» компанияси ижрочи директори Касахара Тошиаки анжуман иштирокчиларини Кунчиқар мамлакатдаги туристик фирма ва компаниялар фаолияти билан таништирди. Шунингдек, японлик сайёҳларни Ўзбекистонга янада кенгроқ жалб қилиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ўзбекистон — гўзал тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ва хушманзара масканларга жуда бой мамлакат, — деди К.Тошиаки. — Бу эса японлик сайёҳларнинг диққат-эътиборини жалб этувчи энг муҳим омиллардир. Ўзбекистон ва Япония сайёҳлик фирмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мамлакатингизга келаётган япон сайёҳлари сонини оширишга хизмат қилади.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири

❖ Тадбир

АЁЛ, ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги нуфузини, сиёсий савиясини ошириш, она ва болаликни муҳофазалаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Хотин-қизларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлардаги иштироки тобора ошиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, шу кунга қадар хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг 22 та Қонуни, Президентнинг 11 та Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 22 та қарори ва бошқа қонуности ҳужжатлари мавжуд. Қолаверса, бу борадаги ҳуқуқий жараён изчил давом эттирилаётир.

Шу боис Тошкент вилояти ҳокимлигида Республика Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Аёл, оила ва жамият» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оилани мустаҳкамлаш, ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялаш учун қулай шароитлар яратиш борасидаги масалалар атрофлича муҳокама этилди. Жумладан:

— Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини оширишга қаратилган барча имконият ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, жамиятнинг янгиланишида аёллар иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди республика Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Фарида Акбарова. — Бинобарин, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бунинг ёрқин далили.

— Маълумки, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси»га қўшилди, — дейди Республика Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими Муҳтабар Ҳусанова. — 1995 йилда Пекин шаҳрида «Тинчлик, тараққиёт ва тенглик» шиори остида ўтказилган Бутунжаҳон хотин-қизларининг IV конференциясида мамлакатимиздан ҳам вакиллар иштирок этдилар. Республика хотин-қизларининг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кафолатловчи ҳукумат даражасидаги «Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича Конвенция ва дастурий ҳужжатлар» ишлаб чиқилди.

Қизғин баҳс-мунозара асосида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш жараёнини амалга оширишда тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришга эътибор қаратилди. Шунингдек, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари билан адлия органлари ҳамкорлигини янада яхшилаш масалалари ҳақида келишиб олинди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ ЎзХДП вилоят кенгашларида

ЭЛЕКТОРАТ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛ ҲАРАКАТЛАРИГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашида бўлиб ўтган «Ўзбекистон ХДП электорати: унинг ижтимоий таркиби ва манфаатларини ўрганишнинг шакл ҳамда услублари, уларнинг партия дастурида ифодаланиши» мавзуидаги ўқув-семинарда депутатлар, барча туман ва шаҳар кенгашлари раислари, партия фаоллари иштирок этишди.

Семинар кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси ўринбосари Алписбой Ибодуллаев маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққанлар Ўзбекистон ХДП янги Дастурида унинг электорати аниқ-равшан белгилаб берилганлиги, электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари ҳамда Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Жўқорғи Кенгес, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг ҳам алоҳида ўрни борлиги ва уларнинг фаолиятини янада кучайтириш лозимлиги, партия электоратининг ижтимоий муаммолари ва манфаатлари мониторингини юритиш, партия кенгашлари, депутатлар фаолиятида уларни ҳисобга олиш, мавжуд муаммоларни бартараф қилишда амалий ёрдам кўрсатиш масалалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинарда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Олим Равшанов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ 2007 ЙИЛ — «Ижтимоий ҳимоя йили»

ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ

ҲАР БИРИМИЗДАН МЕҲР-ОҚИБАТЛИ, МУРУВВАТЛИ БЎЛИШ, ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши, айниқса, ижтимоий хизмат соҳаси ходимлари дилидаги гап бўлди. Гарчи, соҳа қамрови кенг бўлса-да, аҳолининг қўллаб-қувватлашга муҳтож қатлами — кексалар, якка-ёлғиз ва ногирон кишиларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, улар турмуш ташвишларини енгиллатиш, энг асосийси, кўнгилларига малҳам бўла олиш шунчаки осон иш эмас. Биргина Ғиждувон туманида ижтимоий ҳимояга алоҳида эҳтиёж сезадиган ва шу хизматдан баҳраманд бўлаётган 28600 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Хўш, бугун уларга кўрсатилаётган эътибор қандай?

— Биз зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ишни белгиланган дастур асосида ташкил этганмиз, — **дейди туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Толиб Дарвешов.** — Бунинг учун етарли билим ва тажрибага эга ходимларимиз жойларда бўлиб, давлатимиз раҳбарининг ижтимоий ҳимояга йўналтирилган барча Фармон ҳамда қарорлари, ҳукуматимиз томонидан бу борада белгилаб берилган дастурлар моҳиятини фуқароларга тушунтириб келмоқда. Уларга нафақа тайинлаш, пенсия олиш борасидаги ҳақ-ҳуқуқлари ҳам тушунтирилмоқда. Биргина 2006 йилда 1677 кишига янгидан пенсия тайинланди.

Биргина бу эмас. Бултур «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида бўлим томонидан кўлгина савобли ишларга қўл урилди. 28 нафар ногиронга таянма аравача, 31 нафар ногиронга эса ҳасса ва қўлтиқтаёқ, протез-ортопедия жиҳозлари ҳамда эшитиш мосламалари олиб берилди. 40 нафар кекса ва якка-ёлғизлар йил давомида 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар билан узлуксиз таъминланиб, яна 15 нафар ногироннинг уй-жойи ҳомийлар кўмагида таъмирлаб берилди.

— Қизим Дилфуза анчадан буён таянма аравачага муҳтож эди, — дейди «Дилкушо» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дилобар Каримова. — Яқинда мушкулимиз осон бўлди. Ҳомийларга раҳмат, бизни сира ёлғиз қолдиришмаяпти.

Бўлим бошлиғи хонасида ўтирганимизда телефон қўнғироғи бўлди. Гўшакни кўтарган бошлиқнинг чеҳраси ёришди. У суҳбатдошини тинглагач, тан-сиҳатлик ва омонлик тилаб, телефон гўшагини қўяркан, сармижонлик иккинчи жаҳон уруши ногирони Бақо Аҳмедов, дея менга изоҳ берди. Пенсияни вақтида олаётгани, доимо шифокорлар назоратида эканлиги ва юборган совғамизни олганлигидан миннатдорлигини айтаябди.

Шу пайт эшик қия очилиб, хонага Мастура Наврўзова, Иқлима Назаровалар кириб келишди. Улар якка-ёлғизларга кўмаклашадиган ходимлар экан. Бу фидойи инсонлар ўзларига бириктирилган қирқ кишига ҳам бозор қилиш, ҳам дори-дармон келтириш, уйларини саранжомлашда кўмакдош экан.

— Туманимизда 32 нафар юздан ошган кексалар бор, — дейди бўлим шўъба мудири Алижон Маннонов. — Уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Ҳозир читгаронлик Маҳфират момо Ҳабибованинг уйидан келаяпман. Момони 105 ёши билан табрикладим. Шундай кунларга етказганига шукроналар айтиб, бу ишларнинг бошида турган Юртбошимизни дуо қилдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, бўлим ходимлари айни кунларда «Ижтимоий ҳимоя йили» мақсад-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш билан бирга Президентимизнинг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қароридан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятларини оширмоқдалар. Ҳомийлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг янада самарали йўллари изланмоқда. Бундай саховатпеша кишилар эса улуғ аллома Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллуд топган заминда кўплаб топилади. Бундайлар бор жойда «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг устувор вазифалари бекаму кўст бажарилиши, етим-есирлар боши силаниши, кекса ёлғизлар, ногиронлар мудом эътиборда бўлиши шубҳасиздир. Зеро, Оллоҳ кимгаки бойлик ва мол-мулкни ато этган бўлса, шу кишидан саховатли бўлишни кутади. Саховат эса инсон руҳиятидаги ноёб фазилатдир...

Доврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ 9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»ДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг демократик хусусиятларини кўрсатувчи шартларидан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қай тарзда ёндашганлиги ҳамда унинг амалга ошиши учун қандай шарт-шароитлар яратилганлиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг демократик ва ҳуқуқий давлат қуришдан мақсади — мамлакат ҳар бир фуқаросининг ҳуқуқ ва эркинларини тўла таъминлашдир. Бунинг учун, энг аввало Ўзбекистонда ҳуқуқий асос яратилди. Яъни республика Конституцияси ва қабул қилинган қонунларда умумэътироф қилинган халқаро ҳужжатлар қоидаларига мос келувчи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб қўйилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласига, уларнинг амалга ошишини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари Олий Мажлис сессияларидаги биридаги маърузаларида демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим ва ажралмас қисми — бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига эътибор бериш кераклигини алоҳида қайд этганди. Президентимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий бойлиги, деб таъкидлар экан, бундан кейин ҳам бу масалага катта эътибор бериш, ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этилиши устидан доимий назоратни кучайтириш, бунинг учун назорат олиб борувчи тузилмалар тизимини такомиллаштириб, бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни яхшилашни алоҳида уқтирганди.

Маълумки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган инсонпарварлик ғоялари ўзбек давлатчилигимиз тарихида ҳам ўзининг чуқур ифодасини топган. Қадимий Сўғдиёна ва Хоразм давлатчилигидан тортиб, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатида инсон ҳуқуқлари юксак даражада эъзозланган. Бу давлатларнинг бошқарувида инсон ҳуқуқларига, ижтимоий адолатга, қонун устуворлигига қатъий амал қилинган.

Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур салтанат ишларини қонун ва қоидаларга асосланиб бошқарган. «Тузук» истилоҳи изоҳли луғатларда «тартиб ва интизом, лашкар ва мажлис ишлари йўриғи» маъносида келади. Унда инсон ҳуқуқлари қадрланиб, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган. Қонун олдида бой ҳам, камбағал ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг бўлиб, барчанинг ҳуқуқлари кафолатланган. Барча тоифадаги кишиларнинг давлат ишларида эркин фикр билдириши ва фаол иштирок этиш ҳуқуқи таъминланган.

Амир Темур ўз фуқаролари қайси миллат, қайси элат вакили бўлишидан қатъи назар, барчасини ҳимоя қилди ва ғамхўрлик кўрсатди. Ўз давлатини «Куч — адолатдадир» шиори асосида тузди. Темур бобомиз адолат бор жойда элнинг кўнгли тўқ, иши унумли, мамлакатнинг эртанги куни эса порлоқ бўлишига ишонган. Шунинг учун ҳам у кишининг қўлларидаги узукда «Куч — адолатда» деган битик бежиз ёзилмаган. Бундан ташқари, Амир Темур фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳоким адолат томонида туришини қатъий талаб этган. Агарда ҳокимлар сипоҳ раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитса, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрган. Бу борада «Тузуклар»да: *«Агар доруғалар ва ҳокимлар халққа жабр-зулм қилиб, уларни ҳароб қилган бўлсалар, қилган ишларига лойиқ жазо берилсин»*, — дейилади.

Амир Темур юрт ободончилиги, осойишталиги, хавфсизлигини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратган. Жумладан, у тузукда: *«Лой, қум босган ариқларни қазиш, дарёга кўприклар солиш, эскиларини тузатиш, бир кунлик йўл масофасида карвонсаройлар қуриш ҳақида буйруқ қилдим. Карвонсаройларда қоровуллар ва йўл соқчилари бўлур эди. Уларнинг йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга ғамхўрлик қилар, содир бўлган ўғирликлар учун жавобгар эдилар. Ҳар бир шаҳарда масжид, мактаб, мадраса, камбағал ва мискинлар учун ғарибхоналар, табиблар билан таъминланган шифохоналар қуришга фармон бердим. Мен экилган майдонлар ва фуқароларим хавфсизлиги учун махсус соқчилик жорий этдим»*, дейилади. Бундай тадбирлар халқ фаровонлигининг юксалишига, фуқаролар турмушининг тўлақонли тарзда яхшиланишига омил бўлди. Амир Темур дарвеш, фақир ва мискинларни ўзига яқин тутди, уларнинг кўнглини оғритмади ва бирон-бир истакларини рад этмади. Шунингдек, қашшоқлар учун бошпаналар ташкил қилиб, камбағалларга нафақа бериб туриш ҳам унинг назоратида бўлган.

«Тузуклар»да савдогар, деҳқон, касб-ҳунар ва маърифат аҳлларининг ҳуқуқлари ҳам ҳимоя қилинади. Деҳқонлар хусусида ва уларни ҳимоя қилиш юзасидан ҳам айрим кўрсатмалар берарркан *«Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарини етказиб бериб, унга ёрдам берилсин»* дейди. Демак, давлат ўз фуқароларининг манфаатини тўла қаноатлантиришга ҳам алоҳида эътибор берган экан, у фуқароларининг таълим олишини яхшилаш чораларини ҳам излаган. Бу ҳақда «Тузуклар»да: *«Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фиҳҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим»*, дейилади

Дарҳақиқат, Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси эди. Темурийлар даври ренессанси (маданий уйғониш) ҳодисасига айни Ҳазрати соҳибқирон томонидан пойдевор қўйилган. «Тузуклар»да фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиймати ҳурмат қилишга ҳам эътибор берилган. *«Бирорта ҳам аскарнинг доимий туриши учун шахсий кишилар уйини эгаллашга ёки фуқароларнинг молини ва бойлигини ўзлаштириб олишга ҳаққи йўқ»* эди. Амир Темур одил судлов юритилишига ҳам алоҳида аҳамият берган бўлиб, у шундай дейди: *«Лашкарлар учун махсус қозий ва раият учун алоҳида қозий тайинладим, ҳар мамлакатга шайхулислом юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб, уларни яхши ва савоб ишларга ундасин». Шунингдек, «Шубҳали ва нияти бузуқ кишиларнинг айблашлари ҳамда туҳматлари билан фуқароларга жазо бериш қозиларга қатъий ман этилган эди. Аммо бирор шахснинг гуноҳи тўртта далил билан исбот қилинса, у кишига қилган айбига қараб жазо берилар ёки жарима солинарди»*. Шариатда қозиларга қаттиқ талаб қўйилган бўлиб, адолат талабига риоя қилмаган қозилар Соҳибқирон томонидан гуноҳига яраша жазоланган, адолатни таъминлашда хизмат кўрсатганлари эса рағбатлантирилган.

«Тузуклар»да жамият манфаатига, инсон шаънига зарар келтирадиган ёмон иллатлар гуноҳ ҳисобланиб, жазога лойиқ деб топилган. Бу ҳақда: *«Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, ким тутиб олса Ёсо бўйича жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзини кўр қилса, қулоқ ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки ахдос қозисига олиб бориб топширсинлар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсин...»*

Ҳазрати Темурнинг фикрича, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинган давлатда адолатли бошқарув таъминланади. Фуқаролар ҳам давлатни ўз ҳимоячиси, таянчи деб ҳисоблайди ва қонунларга садоқат билан бўйсунади. Бу бутун давлат миқёсида тартиб-интизомни, тинчлик ва осойишталикни ҳамда фаровонликни таъминлаш асосини ташкил этади. «Темур тузуклари» қудратли, марказлашган давлат қуришда инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу ҳақда рус олими Логофет «Овропада ҳали Конституция ҳақида оддий тушунчага ҳам эга бўлмаган даврларда Амир Темур давлатида конституциявий қонунлар мажмуаси — тузук мавжуд эди ва у амалда бўлган» деб ёзади.

Хулоса қилиб айтганда, «Темур тузуклари»да Амир Темурга хос бўлган муҳим фазилатлар, давлатни идора қилиш усули билан яқиндан танишиш мумкин, десак хато бўлмайди. Жумладан, унда *«Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим»*, — деганлигининг ўзи фикримизнинг ёрқин исботидир. Ушбу асарда, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зеро, бугунги кунда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда «Темур тузуклари» муҳим назарий манбалардан бири сифатида катта аҳамиятга эгадир.

Қисқа қилиб айтганда, Амир Темур шарқона демократияга, қонунга, урф-одатларга асосланган буюк давлат барпо қилиб, тарихда ўчмас из қолдирди.

Муқаддас АҲМЕДОВА,
Тошкент давлат юридик институти тадқиқотчиси

❖ ЎзХДП ҳаёти

ИБРАТЛИ ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган **«Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи»** номли интервьюсида **«муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, аввалам-бор, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда»** деб таъкидланган эди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Юртбошимизнинг ушбу интервьюси мазмун-моҳиятини тушунтириш, электорат орасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларда, хусусан* ёш авлодни тарбиялашга қаратилган тадбирларда халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросидан фойдаланишни тавсия этди.

Зотан, Ватанимиз тарихий обидалар ва илмий, бадиий, диний манбаларга бой. Улардан самарали фойдаланиш учун ҳар бирининг тарихи, маданий қадр-қиммати, меъморий ёки бадиий хусусиятлари, халқимиз ўтмишининг қайси даври билан боғлиқлигини билишнинг аҳамияти катта. Бу ҳақда китоб, рисола, альбомлар кўп, ҳужжатли ва бадиий кино ҳамда телефильмлар мавжуд. Уларни ўқиб ёки томоша қилиб, сўзлаб бериш мумкин. Лекин ўз кўзинг билан кўриш, аждодлар юрган кўча ва майдонларда юриш, уларнинг қурган иморатларини зиёрат қилиш бошқача-да. Халқимизда «юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал» деган ҳикмат бор.

Тошкент вилоят партия кенгаши раҳбарияти бир гуруҳ фаолларнинг Самарқанд ва Бухородаги тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжолар зиёратини ташкил қилганида шу нарсани ҳам кўзда тутгани аниқ. Партиядошларимиз Наврўз байрами кунлари пойтахт яқинидаги Зангиота меъморий мажмуи, Бухорои Шарифдаги тарихий масжиду мадрасалар, хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний мажмуалари, Исмоил Сомоний мақбараси, мўъжизакор Самарқанддаги Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Бибихоним мадрасаси, Регистон майдони, Улуғбек расадхонаси, Афросиёб тепалигида бўлиб, бу муқаддас жойларни зиёрат қилдилар. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президентининг ташаббуси ва раҳнамолигида бу тарихий обидалар таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилганини ўз кўзлари билан кўриб, кенг қамровли бунёдкорлик ишларидан ҳам ҳайратда қолдилар, ҳам мустақил мамлакатимиз раҳбариятининг уларни асраш ва келгуси авлодларга етказиш борасидаги ғамхўрлигидан фахрландилар.

— Мен маориф тизимида қарийб 40 йилдан бери ишлаб, ўзимнинг ўқитувчилик фаолиятим ва тарғиботчилик ишларимда Бухоро ва Самарқанд тўғрисида кўп марта гапирган бўлсам ҳам, аммо уларни ўз кўзим билан кўрмаган эдим, — дейди Пскент туманидаги 42-ўрта мактаб директори, вилоят партия кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси Машкура Райимжонова. — Мана энди ота-боболаримиз ақл-заковати ва моҳир қўллари билан яратилган осори атиқаларни бориб кўриб, ажойиб таассуротлар билан қайтдим.

— Мен Ўзбекистон фарзандиман, — дейди Чирчиқдаги «Ўзбеккимёмаш» корхонаси ишчиси, ХДПдан Тошкент вилоят Кенгаши депутати, партия фаоли Татьяна Коваль, — аммо очиғини айтсам, Ватанимиз тарихини яхши билмас эканман. Амир Темурнинг буюк бунёдкорлик ишларидан қолган маҳобатли иморатларни кўриб, унинг фаолияти ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиб, лол қолдим. Вилоят партия кенгаши саъй-ҳаракати билан шундай имкониятга эга бўлганим учун миннатдорчилик билдираман.

Бошқа зиёратчилар — туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, партиядан сайланган депутатлар ва фаолларнинг фикри ҳам шундай.

Партия фаолларини рағбатлантириш мақсадида, ҳомийлар кўмагида ташкил этилган ушбу ибратли тадбирнинг яна бир фойдали жиҳати шу бўлдики, унинг давомида Тошкент вилояти партия ташкилоти фаоллари Бухоро ва Самарқанд вилоятлари партия ташкилотларининг мафкуравий, маънавий-маърифий ишлари тажрибаси билан ҳам танишдилар.

Собир ШЕРАЛИЕВ

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Зарафшон шаҳар партия кенгаши бир қатор йирик бошланғич ташкилотларида ижтимоий-сиёсий жараёнларда партияларнинг ролини кучайтириш борасидаги қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятига бағишланган учрашувлар ташкил этди. Партия фаоллари аҳолига бу борада тушунтириш бериб, уларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Қашқадарё вилоят кенгаши «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Комила Каромова ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди ва «Ижтимоий ҳимоя йили»га мўлжалланган иш режасини иштирокчилар эътиборига ҳавола этди. Йиғилганлар республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларда аёллар иштирокини таъминлаш ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Фаол аёллар мактаби»ни ташкил этиш юзасидан таклифлар билдирдилар.

Шунингдек, вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Хуршида Холиқова қанотнинг бугунги кунда амалга ошираётган ишлари ва келгуси режалари ҳақида маълумот берди. Сўзга чиққанлар партиянинг муҳим таянчи бўлган бу икки бўғин эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирдилар.

Конимех туман кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбатида иштирокчилар хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ошиб бораётганини эътироф этиб, бу жараёнда партия ташкилотларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш зарурлиги юзасидан фикрлашдилар.

Ховос туман партия кенгашида «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотларининг семинар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб бажариладиган ишлар ва келгуси вазифалар хусусида фикр юритилди. Бу борада тегишли тадбирлар дастури белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

Тарихий илдизлари бақувват бўлган ва ундан қувват олиб турган халқ жаҳонга эркин бўй чўзади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг катта мажлислар залида бўлиб ўтган «Амир Темур ва ҳозирги замон» мавзуидаги анъанавий илмий-амалий анжуманда шу хусусда сўз борди. Тадбирда буюк соҳибқироннинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни, ўзбек халқи тарихи ва маданиятига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида алоҳида таъкидланди. Темурийлар даврида давлатчилик, манбашунослик ва тарихшунослик масалалари, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёт, илм-фан ҳамда маданият соҳаларида амалга оширилган ибратли ишлар борасида ўзаро фикр алмашилди.

Бундан ташқари, ушбу тадбирда бу давр тарихини янада чуқурроқ ўрганиш, ёш авлод қалбига буюк бобокалонимиз қолдирган маданий-маънавий меросни қадрлаш туйғусини теран сингдириш лозимлиги ҳам айтиб ўтилди. Қолаверса, Темур ва темурийлар даврига нисбатан дунё олимлари томонидан берилган юксак баҳо ва муносабатларни ҳозирги замон қадриятлари асосида ўрганиш, кенг жамоатчиликка тўлалигича тарғиб этиш зарурати хусусида ҳам қатнашчиларнинг фикрлари тингланди.

Анжуманда юртимизда фаолият олиб бораётган бир қатор тарихчи олимлар, тадқиқотчи, аспирант ва талабалар иштирок этишди.

Жасур ҲУСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

МАНТИҚИЙ ИЗЧИЛЛИК

ҲУКУМАТИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА СИЁСАТИДА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг илк кезларидан, яъни 1992 йил бошларидаёқ ўзининг **«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»** номли китобида ёзган эди: **«Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи керак. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади. Давлат кишиларга, айниқса ёрдамга муҳтож бўлганларга, ижтимоий ночор қатламларга, етимлар, болалар, ўқувчилар, нафақахўрлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак».**

Мана, орадан 15 йил ўтибдики, бу масала давлатимиз, ҳукуматимиз назаридан тушгани йўқ. Ҳатто, мамлакатимизда йилларни ўзига хос номлашнинг иккинчи йилиёқ — 1997 йил «Инсон мафаатлари йили» деб аталганди. 1998 йил «Оила йили», 1999 йил — «Аёллар йили», 2000 йил — «Соғлом авлод йили», 2001 йил — «Оналар ва болалар йили» 2002-2006 йиллар эса «Қарияларни қадрлаш йили», «Обод маҳалла йили», «Меҳр ва мурувват йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», ниҳоят, 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» дея номланишлари замирида шундай бир умумий мақсад борки, у ҳам бўлса — инсон ҳаёти, унинг эзгу орзулари, фаровон турмушга бўлган интилишлари яққол намоён бўлади. Яъники, ҳаммасининг мазмун ва матлаби мантиқан битта: аҳоли манфаатларини қадрлаш!

Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби Михаил Киктев бир суҳбат чоғи айтиб қолди: бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки кезлари аҳоли турмушида бир қадар муайян қийинчиликлар бўлгани сир эмас. Негаки, бу — ҳаёт қонунияти, ҳамма давр ва ҳамма мамлакатларда ҳам бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш даврида шундай бўлиши табиий ҳол, тарихий ҳаққоният. Лекин, бизнинг давлатимизда ҳукуматимиз мамлакат Президенти раҳнамолигида шундай иш, шундай сиёсат олиб бордики, биринчи галда аҳолининг ҳимояга муҳтож тоифалари (юқорида айтилгандек, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етимесир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерлар) манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган қонунлар, қарорлар қабул қилинди, Дастурлар ишланди, тадбирлар белгиланди... Ва энг муҳими, улар қоғозда қолиб кетмади, ҳаммасининг ижроси изчил таъминланиб келди. Биргина бизнинг маҳалламиз мисолида олинг...

Шундан сўнг у ўз маҳалласида давлат томонидан нафақат эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, балки хизматчи ходимларга ҳам кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида қатор мисоллар келтирди ва сўзи охирида: «кўпгина давлатлар бюджет маблағларининг 54,1 фоизини ижтимоий ҳимоя мақсадларига йўналтириш салоҳиятига эга эмас, биз эса ўтган 15 йил ичида шунга қодир даражага чиқа олдик...» деб қўшиб қўйди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раисининг сўзларидан сўнг кўз олдимизда юртимиз аҳолисининг турли қатламлари ўртасидаги ўзаро муносабатда ижтимоий адолат тобора устувор аҳамият касб этиб бораётганини яна бир карра чуқурроқ ҳис этдик. Масалан, суҳбатдошимиз келтирган кўрсаткич — давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажати ўтган 2006 йилдаёқ 51 фоиз эди, бу йил эса 54,1 фоиз. Кам таъминланган ва ёш болали оилаларга берилаётган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар миқдори эса бюджетда 7 фоиз қилиб белгиланди. Бу — жуда катта гап. Боя суҳбатдошимиз айтганидек, кўплаб давлатларда ҳозир бундай салоҳият йўқ.

Яқинда Юртбошимиз **«Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармонга ҳам имзо чекканлиги бу борада амалга оширилаётган ишларимизнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Бу ҳужжат ҳам мамлакатимизда аҳолининг ҳамма қатламлари, айниқса, эҳтиёжманд фуқаролар турмуш даражасини ошириш масаласи, асл маънода ўз аксини топаётган ҳуқуқий демократик ўзгаришларни изчил жадаллаштириш бўйича тутган йўлимизнинг мантиқий бир давомидир.

Қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиётининг юксак ўсиш суръатлари нуфузли халқаро институтлар, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси томонидан тасдиқланаётгани ғоят қувончли ҳол. Шаксиз, бу эътирофлар ҳам ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам ҳам бўлиб қолмайдиган мустақил юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кўзда тутилаётган барча чора-тадбирлар муваффақиятли амалга ошиши учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Илҳомжон УБАЙДУЛЛАЕВ,
Нурали ҚУРБОНОВ,
ҳуқуқшунослар

«ЧЕҲРА»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Қарши шаҳридаги «Чеҳра» маиший хизмат кўрсатиш хусусий корхонаси жамоасидан шаҳар аҳли мамнун. Дастлаб саккиз киши билан иш бошлаган корхонада бугун йигирма нафардан зиёд ишчи-мутахассис меҳнат қилмоқда.

Бу ерда кийим-кечакларни кимёвий усулда тозалаш, ювиш, сартарошхона, компьютер, тикувчилик каби ўндан ортиқ турдаги маиший хизматлардан аҳоли фойдаланмоқда.

Корхона раҳбари Сония Жўрақобилова ташаббуси билан яқинда «Равоқ» маҳалласида уч ойлик бепул бичиш-тикиш курслари ташкил этилди.

— Маҳалламизда 700 нафардан ортиқ хотин-қиз яшайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Гулнора Поёнова. — Айни пайтда ўттиздан зиёд аёл шу курсларда ўқимоқда. Уларга Назирахон Ёмғирчиева, Дилбар Бердиева ва Матлуба Муродова каби тажрибали тикувчилар устозлик қилмоқда.

●●●

Суратда: (ўнгдан иккинчи) С.Жўрақобилова «Равоқ» маҳалласида очилган бичиш-тикиш курси қатнашчилари билан суҳбатлашмоқда.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

❖ Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ — ШАЖАРА ДАВОМИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Бир қарашда пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 14-болалар жарроҳлиги шифохонаси бошқа тиббий масканлардан кўп фарқ қилмайдигандай туюлади. Шинам, озода боғ майдончаси, капитал таъмирдан чиқарилган кўркам корпуслар, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, қулай мебель, каравотлар билан жиҳозланган беморхоналар, дори-дармонлар, дид ила безатилган ошхона... Бугун, бундай ҳолат биз учун кўп ҳам янгилик эмас. Сиртдан қараганда, шундай кўринса-да, аммо унинг «ички дунёси» — беморларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарасидаги фарқ дарров сезилади.

Оддийгина мисол. Шифохонанинг таракал жарроҳлиги бўлими беморхоналари

болаларга мос безатилган, деворларидаги суратлар ва ёзувлар улар дунёқарашини ўстиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Аслида 14-болалар жарроҳлиги шифохонасининг ўзига хос тарихи бор. Айнан шу тиббий муассасада бундан 47 йил илгари мамлакатимизда илк бор болалар жарроҳлигига тамал тоши қўйилганди. Унга атоқли олим, профессор, марҳум Карим Тоҳиров асос солган. Касалхона базасида Марказий Осиёда биринчи бўлиб умумий жарроҳликдан болалар жарроҳлиги ажралиб чиқди. Клиникада Тошкент Болалар Тиббиёти институтининг болалар жарроҳлиги кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори Карим Тоҳиров раҳбарлигида олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришди ва бу тиббий масканда болалар жарроҳлиги бўйича ўзига хос мактаб яратилди.

Бу мактабдан соҳанинг кўплаб малакали мутахассислари етишиб чиқди. Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, кафедра тадқиқотчилари ва клиниканинг амалиётчи мутахассислари ҳамкорликда иш кўрдилар.

Йиллар ўтди. Клиниканинг илмий салоҳияти ошди, аммо унинг моддий-техника базаси эскириб, замон талабига жавоб бермай қолди, анжомлар, мебеллар аллақачон «хизмат муддатини» ўтаб бўлди.

2002 йилнинг эрта баҳорида шифохонага янги раҳбар келди. Ёш бош шифокор Моҳиба Обидова «депсиниб» қолган клиникада ғайрат билан ишга киришди.

Халқда мақол бор: ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Қўл қовуштириб, кимдандир ёрдам

кутиб ўтириш билан муаммо ҳал бўлиб қолармиди? Тиббий жамоа лойиҳа тайёрлашга киришди ва уни мамлакатимизда Япония элчихонаси томонидан эълон қилинган танловга жўнатди. Қарангки, танловга топширилган 500 та иш ичидан уларнинг лойиҳаси ғолиб чиқди, грант-шартнома имзоланди, қиймати 80 минг АҚШ долларига тенг замонавий, аниқ ташхислаш аппаратураси қўлга киритилди.

Ўтган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да касалхонанинг режали ва шошилинч жарроҳлик бўлими, травмотология-ортопедия ва реанимация бўлимлари тўлиқ капитал таъмирланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, клиниканинг йиринглиги ва таракал жарроҳлиги йўналиши республикамизда ягона ҳисобланади. Бўлимида айни пайтда болаларда учрайдиган (саматик) хасталиклар, яъни бошқа касалликлар асоратидан келиб чиққан, консерватив усуллар билан даволаш самара бермаган, аҳволи оғир беморларда мураккаб жарроҳлик амалга ошириляпти.

Клиника 185 нафар беморга мўлжалланган, жарроҳлик ва травмотология қабул бўлимлари, тиббий ёрдамчи хона, стоматология, физиотерапия, клиник ва биохимиявий текшириш лабораториялари ишлаб турибди. Ҳозирги кунда касалхонада 48 нафар врач (уларнинг 28 нафари олий тоифали мутахассис), 147 нафар ҳамшира беморларга тиббий хизмат кўрсат-ябти. Шунингдек, шифохона базасида Тошкент Болалар тиббиёти институтининг болалар жарроҳлиги ва травматологияси кафедраси жойлашган. Тиббиёт фанлари доктори Насриддин Эргашев раҳбарлигида беморлар ҳафтада икки марта профессор кўригидан ўтиб, тегишли маслаҳатлар олишади.

Фарзанд оиланинг қувончи, шажарамизнинг давомчисидир. Эл оғзида «палаги тоза» ёки «зоти тоза» деган гап юради. Афсуски, биз баъзида оиламизни, яқинларимиз, боламизни юқумли касалликлардан сақлашга, ҳатто оддийгина шамоллашнинг асорати оғир жарроҳлик билан даволанишга олиб келишини биламизу, аммо бироз лоқайдмиз.

— Сабаби биз кам китоб ўқиймиз, — дейди Моҳибахон биз билан суҳбатда. — Бадиий китоб ҳам инсоннинг тиббий савиясини оширади. Менинг ҳам қизим, ўғлимнинг бўйи етди. Менга қолса, қизимга кутубхонани сеп қилиб узатардим. Оилада аёл кишининг тафаккури, тиббий савияси бой бўлса, боласининг саломатлигини ёшлигидан бошлаб сақлайди. Боласини ўз соғлиғини ўзи асрашга одатлантиради. Боламизнинг соғлиғи сулоламизнинг софлигидир.

Саида САЙХУН

✧✧✧

Суратларда: *шифохонанинг бош шифокори Моҳиба Обидова (ўртада) бир гуруҳ жамоа аъзолари билан; клиниканинг шошилинч жарроҳлик бўлимининг олий тоифали шифокори Ҳотам Файзиев беморни назоратдан ўтказаяпти.*

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Эронда инглиз тилида чоп этиладиган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО) Маданият институтининг журналида «Ўзбекистоннинг жозибадор сўзаналари» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. У муаллифлар — Каролин Стоун ҳамда Паул Лунданинг мамлакатимиз бўйлаб ижодий сафари маҳсули сифатида дунё юзини кўрди.

ЎЗБЕК СЎЗАНАЛАРИ МАВЗУСИ

Мақолада ўзбек сўзаналарига тарихий жиҳатдан ёндошилиб, уларнинг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги ўзига хос мактаблари ҳамда ўзбек сўзаналарининг турларига алоҳида эътибор қаратилган.

«Сўзананинг ватани бугунги Ўзбекистон эканига кўпчилик ишонади, деб ёзади муаллифлар. Буюк Ипак йўлида жойлашган ушбу замин Европа, Форс ва Хитой маданиятларини ўзаро бирлаштиргани айтилади».

Мақола муаллифлари Марказий Осиё азалдан тўқимачилик маҳсулотлари ватани бўлиб келгани хусусида тўхталишар экан, кўчманчи қабилалар ва ўтроқ аҳоли очиқ майдонда шамолдан сақланиш учун қалин кийимлар кийишгани, аммо аёллар ҳар бир кийим ёки жиҳозларга жун, пахта, ипак каби иплардан кашта тўқиш орқали жозибадор безак-жилолар беришганини таъкидлайдилар.

Каролин Стоун ва Паул Лунда бугунги давримизгача етиб келган сўзаналарнинг энг қадимийлари 18-19 асрларга тегишли бўлса-да, улар анча илгари ишлатиб келинган асарларга ўхшаб туюлишига журналхонлар эътиборини қаратишган. «Амир Темур даврлати даврида Испания элчиси Клавихо 15 аср бошларида амир хонадонига тегишли уйлар ва уларга осиб қўйилган беқиёс ва ўзига хос миниатюра тарзида ишланган безакли сўзаналарни таърифлашган, деб ёзади улар. Элчининг билдиришича, асосан, сўзаналар Бухоро ва Шаҳрисабз мактабларига кўпроқ тегишли бўлган ва Амир Темур давридаги Ҳирот мактаби билан уйғунлашган».

Сўзаналар тарихи баробарида уларнинг услублари, сўзана нафақат қизлар учун, балки миллий байрам ва тўй маросимлари учун безак экани, каштачиликда ишлатиладиган иплар, газлама ва ранглар ҳақидаги атрофлича маълумотлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

«Жаҳон» АА

❖ Тафсилот

XORIJDA

УКРАИНА: ВАЗИЯТ КЕСКИНЛИГИЧА ТУРИБДИ

Украина президенти Виктор Юшченко Миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгашининг навбатдан ташқари мажлисини ўтказди. Унда мамлакатда сақланиб турган ички сиёсий инқироздан чиқиш, навбатдан ташқари сайловга тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилди.

Мажлисда президент бош вазирни давлат раҳбари фармонини (Олий Радани тарқатиб юбориш ва навбатдан ташқари сайлов жараёнлари учун маблағ ажратиш тўғрисида) бажармаётганликда айблади ва бунинг учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини, президент ўзининг бу фармонини ҳеч қачон бекор қилмаслигини алоҳида уқтирди.

Миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши В. Янукович бошчилигидаги ҳукуматга навбатдан ташқари сайлов жараёнларига тайёргарлик учун захирадаги давлат бюджетидан маблағ ажратиш мажбуриятини юклади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан овоз бериш бошлангач, республика бош вазири Виктор Янукович ва унинг тарафдорлари мажлис залидан чиқиб кетишди.

Навбатдан ташқари парламент сайлови ўтказилиши ва унга тайёргарлик учун маблағ ажратиш шартлиги тўғрисидаги қарорни президент тарафдорлари — Миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгашининг 12 нафар иштирокчиси қўллаб-қувватлаган бўлса, мажлисдан чиқиб кетган Янукович тарафдорлари (бир неча вазир ва бош прокурор) эса овоз бермадилар, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳукумат Молия вазирлигига маблағ ажартишни тақиқлаб қўйган. Парламент ҳам Украина Миллий банкига худди шундай тадбир қўллаган.

Оммавий ахборот воситалари тарқатган манбаларга қараганда, Янукович тарафдорлари қуйидагилар: Мудофаа ва Ташқи ишлар вазирлигидан ташқари барча вазирликлар, милициянинг 300 минг кишилик вакили, ички қўшиннинг 10 минг ҳарбийси, республиканинг шарқий ҳудудидаги маҳаллий маъмуриятлар. Юшченко тарафдорлари эса: Мудофаа ва Ташқи ишлар вазирлиги, 200 минг кишилик армия, Мудофаа вазирлигининг 15 минг кишилик Бош разведка бошқармаси, хавфсизлик хизматининг 12 минг ходими, «Альфа» махсус бўлинмасининг 2 минг, ташқи разведканинг 2 минг аъзоси, вилоят маъмуриятларининг 24 нафар раҳбари, мамлакат ғарбий ҳудудидаги вилоят кенгашларидир.

«The Guardian» газетаси берган хабарга кўра, ҳозир мамлакатда вазият кескинлашгани боис ҳарбийларни ҳарбий хизматдан бўшатиш 3 апрелдан бошланган бўлишига қарамай, тўхтатиб қўйилди.

Киев шаҳрининг марказий майдони бўлмиш «Майдан»да эса «Партия регионов», Социалистик ва Коммунистик партия вакиллари митингни давом эттирмоқдалар. Парламент-ҳукумат коалицияси, яъни Янукович тарафдорларини қўллаб-қувватлаш учун республика ҳудудларидан яна тарафдорлар келиб қўшилишмоқда. Ички ишлар вазирлигининг маълумотларида қайд этилишича, ҳозир Киевда йиғилган тарафдорлар сони 20 минг кишига етган. Куни кеча президентнинг Радани тарқатиб юбориш ҳақидаги фармонига қарши норозилик билдириш акциясида қатнашиш учун Донецк, Харьков. Львов, Запорожье, Артемовск, Хмельницк, Одесса, Кривоград, Николаев, Мелитополь, Тернополь, Луцк, Мариуполдан 5 та поездда ва 66 та автобусда жами 5858 тарафдор келиб қўшилди. Ҳозир 506 тадан ортиқ палатка тикланган. Бу ҳақда ИИВнинг жамоатчилик билан алоқалар маркази бошлиғи Владимир Полишчук маълум қилди.

Бош вазир В. Янукович Европа ва умуман, жаҳон экспертларига, воситачи давлатлар раҳбарларига мурожаат этиб, республикада юзага келган кескин вазиятни юмшатишга ёрдам қўлини чўзишларини сўради. Ушбу мурожаатга Польша ва Россия тезкор муносабат билдириб, воситачилик қилишга тайёр эканликларини таъкидлашди.

ТЕКШИРУВДАН МАҲРУМ ЭТДИ

Буюк Британиянинг 15 нафар денгизчиси Форс кўрфазида Эрон чегарасига ўтгани учун чегарачилар томонидан қўлга олингани ва яқинда озод этилгани жаҳон оммавий ахборот воситаларида анча шов-шув қилинди. Айнан шу воқеалар жараёнида Эрон Буюк Британия денгизчиларига тегишли 2 та катерни олиб қўйиб, Британияни Форс кўрфазининг Шатт-ал-Араб дельтасидаги ҳарбий кемаларда бевосита текширув ўтказиш имкониятидан маҳрум этди.

«BBC» хабарига кўра, Британия маъмурияти эса кўрфазга янги воситалар келтирилгач, яна текширувни давом эттиришини билдирди. Ҳозирча текширувлар Америка денгизчилари томонидан амалга оширилмоқда.

ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШДИ

Қирғизистоннинг Бишкекдаги парламент биноси олдида республика президенти Курманбек Бакиев истеъфосини талаб қилиш учун сиёсий очлик эълон қилувчилар тўпланишмоқда. Улар майдонда бир нечта чодирни тикдилар. Собиқ бош вазир Феликс Кулов етакчилигидаги Мухолифатнинг бирлашган фронти томонидан эълон қилинган ушбу акцияда юздан ортиқ киши қатнашиши кутилмоқда, дейилади «АКИpress» ахборот агентлиги хабарида.

«24kg» ахборот маҳкамасининг маълум қилишича эса Бишкекда, шунингдек, «Қирғизистон аёллари дивизияси» ҳам намойиш ўтказиш учун парламент биноси олдига келдилар. Бир ҳафта олдин Бишкекда тўпланган бу «дивизия» президентни ҳимоя қилишга чоғланган. «Аёллар партияси» ва «Янги вақт» партияси вакилалари бўлмиш бу аёллар (30 нафардан ортиқ) «Биз ососишталик тарафдоримиз», «Бакиев — бизнинг президентимиз» деган шиорларни кўтариб олишган.

Эслатиб ўтамиз: мухолифатдаги «Ислоҳот учун» ҳаракати 9 апрелдан норозилик акциясини бошлашни мўлжаллаб турибди. Улар ҳам президент истеъфосини ва янги конституция қабул қилинишини талаб этишмоқчи.

❖ Банк ва мижоз

МИКРОКРЕДИТНИНГ «МАКРО» УЛУШЛАРИ...

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АТ БАНКИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ФАОЛИЯТИДА ЯККОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

MIKROKREDITBANK

Ҳозир жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобат кескинлашиб бораётгани ҳаммага аён. Бундай вазиятда кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириб, иқтисодиётнинг таркибий негизини белгилаб бераётган муҳим тармоққа айланиб бормоқда. Зеро, айнан кичик бизнес — ўз ҳаракатчанлиги, кам сармоя талаб қилиб, ишлаб чиқаришни осон ва тез модернизациялаш ҳамда маҳсулот турларини янгилаш имконига эга эканлиги, шу тариқа бозор конъюнктураси талабларига мослашувчанлиги билан эътиборлидир.

Мисоллар: ургутлик Ойсара Маҳкамова зардўзлик билан шуғулланишни орзу қиларди. Ўтган йили у «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Ургут туман филиалига мурожаат қилиб, 540 000 сўмлик кредит беришни сўради. Банк ҳам унга пешвоз чиқди, Ойсара ишга киришиб кетди. Миллий кийимлар тикиб, Ургут бозорида харидорлар топди...

Нарпай туманидаги «Шарофат» хусусий дорихонаси ҳам кичик бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағини кўпайтириш мақсадида 6 млн. сўм микрокредит олганди. Ҳозир даромади ортиб, аҳолига дори-дармонлар етказиб бериш йўлида қатор изланишлар бошлади. Равшан Усмонов раҳбарлигидаги «Ҳайдаробод буш» фермер хўжалигида эса 8 киши асосан узумчилик билан шуғулланиб, ўтган йили банкнинг бу ердаги филиалидан ток кўчатлари харид қилиш учун 5 млн. 400 минг сўм микрокредит олишди ва кўчатларнинг яхши ривожланишига замин ҳозирлашди. Яқин икки-уч йилда узумзорлар ҳосилидан қарз узилиши турган гап...

Кичик корхона очаётган тадбиркор борки, биринчи галда корхонасини замонавий ускуналар, хусусан, бозор талабига қараб тезда ўзгартириш мумкин бўлган ихчам технологиялар билан жиҳозлашга эътибор қаратади ва рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаракатини қилади. Зиёвуддин шаҳарчасида жойлашган «Авангард-Л» хусусий фирмасига полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарувчи ускуналар сотиб олиш учун 5 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилганди. Фирма бугунги кунда бундай қувурларни ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш билан бирга бешта янги иш ўринлари ҳам яратди.

Чекка қишлоқларда яшаётган аҳоли эндиликда Интернет тармоғи афзалликларидан баҳраманд бўлишини таъминлаш мақсадида Нарпай туманидаги Қорахитой қишлоғида истиқомат қилаётган якка тартибдаги тадбиркор Жўрабек Қаҳҳоровга принтер, модем ва тюнер сотиб олиши учун ажратилган микрокредит бугун ўзини тўла оқлади дейишга асос бор. Ёки Жомбойдаги «Дента Шуҳрат» тиббий хусусий корхонасига 5 млн. 200 минг сўмлик замонавий стоматология ускуналарининг микролизинг хизмати орқали олиб берилиши ҳам микрокредитбанк филиали улуши бўлди.

Хуллас, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилоят бошқармаси фаолиятида бундай ибратли ишлар талайгина. Ҳозир бу ерда 7 та филиал ва 20 та минибанк фаолият кўрсатмоқда. Вилоят бўйича 2006 йил майдан декабргача жами 264 та тадбиркорлик субъектига 101 555,0 минг сўм, бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағни тўлдириш учун эса 125 та тадбиркорлик субъектига 508 960,0 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Шунингдек, 132 801,3 минг сўм миқдорида микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Бугунги кунда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолиятида хотин-қизлар ўрни ошиб бораётганини алоҳида айтмоқ жоиз. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг миқёсли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, вилоятда фаолият кўрсатаётган барча тадбиркор хотин-қизларга имтиёзли микрокредитлар берилаяпти.

Рақамлар: вилоят бўйича 82 та тадбиркор аёлга 106 019,9 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Шундан бошланғич сармояни шакллантириш учун 64 та тадбиркор аёлга 39 159,9 минг сўм, бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағни кўпайтириш учун 54 нафар тадбиркор аёлга 66 860,0 минг сўм миқдорида микрокредит берилди.

Дарвоқе, бугунги кунда жойларда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришда якка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий бизнес ҳамда меҳнатнинг касаначилик турини фаоллаштиришда, энг муҳими, янги иш ўринлари яратишда банкларнинг роли ошиб бораяпти. Аҳолининг кенг табақалари микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишида қамровли ишларга қўл урилаяпти. «Микрокредитбанк» АТБ ва Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ўртасида 2006 йил 16 октябрь куни бу борада ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Улар ўртасида имзоланган шартнома ва қабул қилинган дастурга кўра, ҳозир мазкур вилоятнинг барча туманларида ўқув семинарлари ўтказилаяпти. Уларда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Микрокредитбанк» АТБ фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазмуни, моҳияти, тадбиркорлик субъектлари учун афзалликлари ҳамда имкониятлари кенг тушунтириб берилаяпти.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларда ҳам бошқарманинг ҳиссаси катта. 2006 йил давомида 381 та кам таъминланган оилага 317 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилгани эса алоҳида мақтовга молик.

Бошқарма жамоаси пул муомаласини барқарорлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш ва муомаладаги нақд пул маблағларини қисқартириш тадбирларини муваффақиятли амалга оширмоқда. Мижозларнинг нақд пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида пул айланиши ва тез сотиладиган халқ истеъмоли моллари сотувидан тушган нақд пул маблағлари устидан мониторинг ўрнатилди.

Ҳукуматимизнинг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бошқармада тўла ижро топмоқда. Ҳозир бу ерда жами 8 600 дона пластик карточка эмиссияга чиқарилди. 2006 йил давомида улар орқали жами 5060.20,0 минг сўм пул маблағи айланмалари амалга оширилди. Савдо нуқталари ва банк кассаларига ўрнатилган 42 та терминал орқали 294, 800,0 минг сўм миқдорида нақд ва нақдсиз савдо айланмалари таъминланди.

Айни пайтда бошқарма тасарруфида «WESTERN UNION» халқаро пул ўтказмалари тизими жорий этилиб, банкнинг Амалиёт, Каттақўрғон, Лоиш, Оқтош бўлимларида мазкур ўтказма шохобчалари фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек, янги банк хизматларини ташкил этиш, банк даромадларини кўпайтириш ва мижозларга қулайлик яратиш мақсадида «Юнител» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорлик қилиш ҳамда экспресс тўлов карточкалари сотиш тадбирлари амалга оширилди.

Қисқасини айтганда, Самарқандда мижозлар банк ходимлари ортидан эмас, банк ходимлари мижозлар ортидан бормоқдалар. Аслида шундай бўлиши ҳам керак ўзи. Мақсад — микрокредитдан макро улуш, макро натижалар олишга эришиш.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 10,13,17,20,24,27 апрель, 1,4,8,11,15,18,22,25,29 май ва 1,5,8,12,15,19,22,26,29 июнь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

Тошкент шаҳар худудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қўйидаги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Сирғали тумани, Қурувчи даҳасидаги сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси. ***Бошланғич нархи — 703 760 сўм.***

Аукцион савдоларига шунингдек, «Ўзбекистон Шампани» ОАЖ балансида бўлган 100 дона «Е-1500» русумли цистерналар қўйилади. ***Ҳар бирининг бошланғич нархи — 541 320 сўм.***

2007 йилнинг 8,11,15,18,22,25,29 май ва 1,5,8,12,15,19,22,26,29 июнь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

Тошкент шаҳар худудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қўйидаги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурхонов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси. ***Бошланғич нархи — 984 000 сўм.***

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер майдонига савдодан уч кун аввал соат 18.00 да, цистерналарга савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16- «А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гувоҳнома № 000815



❖ Спорт

«НАФИС»ДАГИ НАФОСАТ НАМОЙИШИ

Бухородаги «Нафис» бадиий гимнастика саройида навбатдаги Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 150 нафардан зиёд нафосат маликалари ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Уч кун давом этган мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри (524,825 балл), Бухоро (473,925) ҳамда Самарқанд (426,900) вилоятлари вакиллари кучли учликни банд этди.

Якка тартибдаги кўпкураш баҳслари тўртта (1990-91, 1992-93, 1994-95 ҳамда 1996-97 йилларда туғилганлар) ёш гуруҳлари бўйича ўтказилди. Ўз тенгдошлари ўртасида энг кўп балл жамғарган пойтахтлик Алиса Ажимирова (55,765), Комила Тўхтаева (87,650), Елена Калишер (82,450), Лера Давидова (79,025)лар шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгалладилар.

Суратда: *бухоролик бадиий гимнастика устаси Зарина Муҳиддинова.*

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Самарқанд вилоятида янги спорт иншоотларини барпо этиш дастурига мувофиқ кўплаб спорт мажмуалари бунёд қилинмоқда. Биргина ўтган 2006 йилда иккита янги болалар спорт мажмуи, 12 та умутаълим мактаблари қошида спорт заллари қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, 3 та спорт иншооти тўлиқ реконструкция қилинди. Бунда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 908,015 миллион ҳамда вилоят филиали томонидан 532,484 миллион сўм маблағ сарфланди. Эътиборлиси, янги қурилган ва реконструкция қилинган спорт иншоотлари аввалгиларидан замонавийлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Вилоятда спорт иншоотлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт анжом-ускуналари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги боис, мактаб ўқувчилари ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони ортиб бораётир. Мисол учун, 2005 йилда дарсдан кейин жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қатнаётган ўғил-қизлар сони 34 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йил бу кўрсаткич 40,1 фоиздан ошди. Айниқса, қишлоқ жойларида қизларни спорт машғулотларига жалб қилишга эътибор кучайганлиги қувонарлидир. Бундан икки йил илгари вилоятдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидан атиги иккитасида бадиий гимнастика тўгараклари бор эди. 2006 йилда эса мавжуд 43 та БЎСМнинг барчасида қизларнинг спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланишлари учун имкониятлар яратилди. Ҳозирда вилоят бўйича 2100 нафардан зиёд қиз бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўтган йили жамғарма ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида уюштирилган ўндан ортиқ мусобақалар Қўшработ, Нуробод, Пахтачи, Ургут сингари чекка туманларда ташкил этилганлиги ҳам аҳамиятга моликдир.

— Замонавий спорт мажмуи қишлоқдошларимизнинг орзуси эди, — дейди Пастдарғом туманидаги Эски Жума қишлоғида яшовчи Дилшод Мўминов. — Ўтган йили кекса-ю ёшнинг кўп йиллик орзуси ушалди. Қишлоғимизда барпо этилган янги спорт мажмуи ишга тушган кун барча ўғил-қиз учун байрамга айланиб кетди. Бу ерда болажонлар бир вақтнинг ўзида спортнинг бир йўла беш-олти тури билан шуғулланишлари учун қулай шароит яратилган. Ўзим миллий кураш билан шуғулланаман. Кенг ва ёруғ спорт заллари, футбол майдони кишининг завқини келтиради.

Самарқанд вилоятида жорий йилда ҳам бир қатор янги спорт иншоотлари қурилиши кўзда тутилган. Жумладан, манзилли дастур асосида туман ва қишлоқларда бешта янги спорт мажмуи барпо этилмоқда. Шунингдек, Каттақўрғон шаҳридаги «Дўстлик» ўйингоҳи тўлиқ қайта реконструкция қилинади. Бундан ташқари, Ургут туманидаги 1-, 75-, Булунғур туманидаги 43-, Иштихондаги 28-, Пайариқ тумани Қорабойир қишлоғида жойлашган 7-сонли умумтаълим мактабларида янги спорт заллари қуриб фойдаланишга топширилади.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *вилоят футбол мактаби интернати мураббийи Қаҳрамон Маматқулов шогирдлари билан.*

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат.

Ўзбекистон халқ шоири, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Ҳабиб Саъдулла ҳаёт бўлганида бу йил умрининг олтмиш бешинчи баҳорини қаршилаган бўларди. Шоирлик қисмат, тириклик тақдир экан. Истиқлол куйчиси сифатида ном олган, ўтли ғазаллари, шеъру достонлари, эл-юрт, миллат тақдирига дахлдор публицистик асарлари билан халқимиз меҳрини қозонган устоз шоир ҳаётлигида ҳам эъзозу эътибор топди. Ўз таъбири билан айтганда, бахтли яшади. Бу бахт — катта истеъдоди, бедор изланишлари, ҳаётга ҳамиша ақл-тафаккур билан қарай олиши унинг умрига зийнат бўлди.

БУ ГУЛШАНДА ТИНМАС БУЛБУЛ ХОНИШИ

НАМАНГАНДА ҲАБИБ САЪДУЛЛА ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Ҳабиб Саъдулла шахси ва ҳаётининг ўзига хос жиҳати шундаки, у вилоятда яшаб қалам тебратса-да, ҳамиша бутун мамлакатдаги адабий муҳитдан яхши хабардор бўлган. Ўзаро ижодий мулоқотлар, адабиётга бўлган содиқлик ва холислик шоирни ҳамиша уйғоқликка ундади. Бу уйғоқлик уни наинки ҳаётлигида, балки ундан кейин ҳам тарк этмади. Вафотидан сўнг бир йил ичида шоирнинг «Истиқлол достони» китоби, «Меҳрдан унган чинор» ҳужжатли қиссаси нашр этилди.

Яқинда Наманган шаҳрида шоир хотирасига яна бир эҳтиром кўрсатилди — вилоят ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан маънавий-маърифий тарғибот доирасида апрель ойининг илк ҳафтасида Ҳабиб Саъдуллахонлик кунлари бўлиб ўтди. Аслида бу тадбир Наврўз айёми кунларида бошланганди. 21 март куни шоир ва унинг волидаи муҳтарамаси Мукаррамхон Мирюсуф қизи қабрларига ёдгорлик ўрнатиш маросими ўтказилганди.

Куни кеча Ҳабиб Саъдуллахонлик кунлари якунига бағишланган маросим вилоят ижодкорлари, маънавият тарғиботчилари, адабиёт ихлосмандларининг катта анжуманига айланиб кетди. Пойтахт ҳамда қўшни вилоятлардан келган меҳмонлар дастлаб шоир қабрини зиёрат этишди. Шундан сўнг у яшаган уй пештоқига ўрнатилган ёдгорлик лавҳанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Баҳор билан суҳбат» номли маънавий-маърифий, назм ва наво кечаси ҳам ташкил этилди. Унда Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Тўлан Низом, Охунжон Ҳаким ҳамда таниқли ижодкорлар Хусниддин Шарипов, Ўктамжон Холдор ва бошқалар сўзга чиқиб, бетакрор истеъдод соҳибининг ижодий салоҳияти, фазилатлари хусусидаги сўзладилар.

Ҳабиб Саъдуллахонлик кунлари якунида Наманганда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг йиғилиши ўтказилиб, унда вилоятдаги бир қатор ижодкорлар уюшма аъзолигига қабул қилинди. Тадбирларда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов иштирок этди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

❖ Интер-спорт

«ЧЕЛСИ»НИНГ МОДДИЙ ИМКОНИЯТИ

Лондоннинг «Челси» футбол клуби бош мураббийи Жозе Моуриньо бундан буён жамоага кучли футболчиларни сотиб олиш учун имконият йўқлигини тан олди. Бу ҳақда Португалия оммавий ахборот воситалари «Порту» клуби ҳимоячиси Пепени «Челси»га ўтиш-ўтмаслиги ҳақидаги фикрни шарҳлаб шундай хулосага келмоқдалар. Португалия чемпионатида «Порту» — «Бенфика» учрашуви (1:1)дан кейин бош мураббий: «Пепе менда яхши таассурот қолдирмоқда. Мен уни кўпдан бери кузатиб юрибман. Бундай ҳимоячининг «Челси»да бўлишини жуда истардим. Лекин сотиб олиш учун бизда маблағ йўқ», деган фикрни айтган.

Англия оммавий ахборот воситаларида эса «Челси»нинг шу йил ёздаги аҳволи унчалик зўр бўлмайди, деган фикр тарқатилмоқда. Боиси, клуб соҳиби Роман Абрамович 2003 йил ёз ойларидан бери бу клубга 1 миллиард долларга яқин маблағ сарфлаганини айтиб, бундай буён футболчиларни сотиб олиш учун катта пул ажратмоқчи эмаслигини яширмаяпти.

❖ Мулоҳаза

ОТАМ ЭККАН ДАРАХТЛАР

Болалик йилларим, отам ҳақидаги таассуротларим ёдимда ёрқин хотиралар билан гавдаланади. Ўшанда ёшгина бола эдим. Отам-онам менга истаган нарсамни муҳайё қилишар, бир фарзандга қанча меҳр, ғамхўрлик бериш мумкин бўлса, барчасини кўрсатишга интилишарди. Шундай бўлса-да, ҳар қанча эркатой, тантиқ бўлмайин, оиладаги салобат, отамнинг қатъийлиги, гарчи ошкор этилмаса ҳам мени қандайдир чегарада ушлаб турар, ортиқча шўхликлар қилишга йўл бермасди. Балки ўшанда «отанг билса, жаҳли чиқади» деган танбеҳ мен учун кифоя қилгандир.

Кейинчалик бундай гаплар бежиз айтилмаслигини тушуниб етдим. Отанинг оиладаги обрўси, ўрни ҳамиша юксак тутилган жойда фарзанд онгига ҳам бундай ҳурмат туйғулари чуқур сингдирилар экан.

Вақт шошқалоқ, йиллар эса ҳар нарсага қодир эканлигини улғая борган сари чуқурроқ англарканман, киши. Мана бугун отам билан боғлиқ кўп воқеаларни ширин бир хотира сифатида эслайман. Ҳеч эсимдан чиқмайди, мўъжазгина ҳовлимиздаги бир парча ерни отам иккимиз ағдарган эдик. Унга беда эккандик. Ўшанда бир парча ерни ағдарганмидим-йўқми, лекин отамга ёрдамим текканидан ўзимча ғурурланиб қўйгандим. Ҳар баҳор ҳовлимизга кўчат ўтказардик. Дарахт ниҳолини ушлаб туриш қанчалик завқли бўлса, «бу дарахтни сен экдинг, у энди сеники» деган сўзларни эшитишнинг гашти ҳам бундан кам эмасди.

Отам эккан кўчатлар ҳозир катта дарахтларга айланган. Биз эса унинг мевасидан тотиб, соясида дам оламиз. Бугун болаликда кўрганларим халқимизнинг эзгу қадриятларидан бири эканлигини теран англадим. Ота-онани улуғлаш, эъзозлаш, қадрлаш азал-азалдан қон-қонимизга сингган, умримиз мазмунига айланган. Яқинда «Ўзбек қадриятлари» деган китобни ўқидим. Унда шундай сатрлар бор эди: «...ота-онанинг фарзандга, фарзанднинг ота-онага меҳр-оқибати, садоқати, ҳурмати, эътиқоди шунчаки ҳиссиёт ёхуд инсонийлик оқибат натижасигина эмас, балки Оллоҳ таолодан берилган олий неъмат, муқаддас, табаррук фазилатлар, чин муҳаббат ва олий туйғулардир».

Дарҳақиқат, халқимизда «отанг ўтирган уйнинг томига чиқма», деган пурмаъно ҳикмат бор. Бу халқимизда азалдан ота обрўси, қадр-қиммати юқори тутилганидан дарак беради. Умуман, отага тик боқиш, унинг гапини бўлиш, овқатга ундан олдин қўл узатиш, ўйин-йўриқларига қулоқ тутмаслик катта гуноҳ ҳисобланган. Ҳадисда шундай дейилади: «Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади...»

Буни нега эсладим? Отадан ўрганган озгина бўлса ҳам фазилатлар умрингиз давомида сизга йўл кўрсатаркан, ёмонликдан асраб, ҳар ишда ибрат бўларкан. Шунинг учун ҳам отанинг ўрни ҳамиша азиз, ота сўзи қадрли, ҳар бир иши фарзандлар учун улуғ тарбия мактаби. Улар сизни фарзандингизга янада меҳрибон, айни пайтда қатъиятли бўлишга ундайди. Оталик саодати ва масъулиятидан сабоқ беради.

Шу ўринда бир дўстимнинг шундай мулоҳазалари эсимга тушади. «Отамнинг ҳамиша ёнларида сақлайдиган тўрхалталари бўларди, — деганди у. — Ишдан қайтаётганларида бозордан рўзғорга керакли ул-бул олиб келардилар. Онам ё опаларимнинг хатто гугурт учун ҳам дўконга чиқанларини билмайман. Уйимиздa керакли нарсалар ҳамиша бўларди.»

Ҳа, оиласи учун қайғурган отанинг фарзандлари олдидаги эътибори ҳам юқори бўлади. Шунинг ўзи ҳам уларни эртага «отасининг боласи» деган мақтовга сазовор бўлиш, кишиларнинг оғирини енгил қилиш, савоб ишлари билан ҳурмат қозониш учун интилиб яшашга ўргатади. Бу бежиз эмас. Чунки, ҳар биримиз ҳам яхши ишларимиз билан «отангга раҳмат» деган олқиш оламиз ёки ёмон хатти-ҳаракатимиз уларга (Оллоҳ буни раво кўрмасин) лаънат келтиришимизга сабаб бўлади.

Биз меҳр-оқибатни, чин инсонийликни барча нарсадан устун қўйган халқмиз. Асрлар давомида шаклланган анъаналаримиз, удумларимиз ана шу эзгу туйғулар замирида қарор топган. Ота ва фарзанд ўртасидаги меҳр-оқибатга йўғрилган оддий муносабатларда ҳам ана шу анъаналаримиз яшайди. Бировга меҳр кўрсатиш, мурувват улашиш ҳам шундай. У ҳам даставвал хонадонимиздан, рўзғоримиздан, оталаримиз ибратидан бошланмоғи зарур. Тўғри, бу масалада бизда бошқаларга панд-насиҳат ўқишга ҳожат йўқ, халқимиз бунга муҳтож ҳам эмас. Аммо ор-номусли миллатимизда тарбиявий талаблар юксак қадрланган, яхши, файзли, фазилатли инсонларнинг одамийлик сифатлари бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилган. Шундай экан, ҳар бир оила боши — ота ўз рўзғорининг ишончли кўрғони энг аввало ўзи эканлигини ҳамиша ҳис этмоғи шарт, деб ўйлайман.

...Отам эккан дарахтлар бугун кўкка бўй чўзиб, шовуллаб турибди. У — менга отамдан хотира. Уларга тикилсам отамнинг насиҳатлари ёдимга тушади, фарзандларим олдидаги бурчимни ўйлайман. Бу дарахтлар менга отамдан мерос...

Абдураззоқ МУРОДОВ,
Қашқадарё вилояти

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ1-1. Вилоят Қон хизмати маркази биносини мукаммал таъмирлаш. ***Иншоотнинг бошланғич нархи — 112232 минг сўм.*** Қурилиш муддати — 150 кун.

ЛОТ1-2. Вилоят Онкология диспансерининг гинекология ва хирургия бўлимларини мукаммал таъмирлаш. ***Иншоотнинг бошланғич нархи — 49375 минг сўм.*** Қурилиш муддати — 120 кун.

ЛОТ1-3. Вилоят Кардиология маркази бинолари (том қисми, қабуллар бўлими, қоровулхона, дарвоза, тўсиқ девор, қувурлар ва ертўла ёритиш тизими)ни реконструкция қилиш. ***Иншоотнинг бошланғич нархи — 117996 минг сўм.*** Қурилиш муддати — 120 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — вилоятнинг маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда Соғлиқни сақлаш бошқармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: **Сурхондарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси.**
Манзили: **Термиз шаҳри, А.Чалишев кўчаси, 8-уй.**
Тел/факс: 223-17-04, 223-66-97, 223-33-47.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитекқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: ***Термиз шаҳри, А.Чалишев кўчаси, 8-уй.***

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

I — 349
11574 nusxada bosildi
I — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda